

ЁШЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА УНГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ТАҲЛИЛИ

Болтаев Жонибек Хамидович

ИИБ Академияси магистратура тингловчиси

Таянч тушунчалар: ёшлар, ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик, ёшлар ўртасидаги жиноятларнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар таҳлили, жиноятчилик даражаси, тузилиши, динамикаси.

Аннотация. Мақолада ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар таҳлили қилиниб, ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олишга доир фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

АНАЛИЗ ПРИЧИН ПРЕСТУПНОСТИ МОЛОДЕЖИ И ФАКТОВ, СПОСОБСТВУЮЩИХ ЕЕ

Основные понятия: анализ молодежи, преступность среди молодежи, преступность среди молодежи, причины преступности среди молодежи и условия, сделавшие ее возможной, уровень, структура, динамика преступности.

Аннотация. В статье анализируются причины преступлений, совершаемых молодыми людьми, и факторы, которые делают их возможными, даются комментарии по вопросам профилактики данного вида преступлений.

ANALYSIS OF THE CAUSES OF YOUTH CRIME AND THE FACTS CONTRIBUTING TO IT

Key words: youth analysis, youth crime, youth crime, causes of youth crime and the conditions that made it possible, level, structure, dynamics of crime.

Annotation. The article analyzes the causes of crimes committed by young people and the factors that make them possible, and provides comments on the prevention of this type of crime.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда самарали натижаларга эришиш, ҳуқуқбузарлик миқдорини энг паст даражагача тушириш, салбий оқибатларини камайтириш учун уларнинг сабаб ва шароитларини ўрганишнинг долзарблиги ошиб бормоқда. Бу борада ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон бераётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш самарадорлигига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу эса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини ўрганиш ва умумлаштириш орқали ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузар-ликларнинг олдини олиш, уларни озиқлантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда.

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имконият яратувчи омиллар муаммоси ҳар қандай криминологик тадқиқотда у ёки бу тарзда кўриб чиқилади. Чунки, у криминологиянинг муҳим муаммоларидан биридир. Уни илмий ўрганиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир¹.

Ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича доимий равишда вояга етмаганларнинг фикрини ўрганишни ташкил этиш лозим. Жиноятчилик, жумладан аёллар ва вояга етмаганлар жиноятчилигининг даражаси оилага ва оиладаги тарбияга оммавий таъсир кўрсатишнинг муваффақиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик бевосита сабаб ва шароитнинг бирига нисбатан ўзаро таъсир кўрсатиши натижасида келиб чиқади.

Сабабнинг ўзи шарт-шароит билан ўзаро таъсир орқали намоён бўлади ва оқибатни келтириб чиқаради. Бошқача айтганда, ёшлар ўртасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар негизида турли хил мотив ва истаклар ётади. Бунинг асосини эса, сабаб ва шароитлар ташкил этади.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда ҳуқуқбузарликнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, жиноятчилик хулқининг олдини олиш тадбирлари самарадорлиги, таъсирчанлиги, энг аввало, ўсмир шахсида ижобий фазилатларнинг, ижтимоий фойдали эҳтиёж ва қизиқишларнинг шаклланишига боғлиқ бўлади. Шу маънода, ўқув-тарбиявий машғулотлар вояга етмаганлар жиноятчилигини олдини олишнинг дастлабки профилактикасида муҳим ўрин тутуди².

Ижтимоий-фойдали фаолиятдан йироқ шахслар бундай ҳолатда жамиятга зид турмуш кечирувчи, жиноят содир этишга мойил шахслар таъсирига тушиб қоладилар ёки уларнинг ўзлари бошқаларни, айниқса вояга етмаганларни жиноятга ундайдилар³. Бизнинг назаримизда ёшлар жиноятчилигини олдини

¹ *Джураева Н.* Вояга етмаган шахсларни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этишнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар // Вояга етмаганларнинг ишларини юритиш масалалари: мавзусидаги илмий-амалий конференция масалалари тўплами. –Т., 2012. –Б. 118.

² *Турсунова О.А.* Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирлар // Ҳуқуқшунослик истиқболлари: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 227.

³ *Мухторов Ж.С.* Жиноятларнинг олдини олишда маъмурий назоратнинг аҳамияти // Ҳуқуқшунослик истиқболлари: Илмий мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 97.

олишда улар билан якка тартибдаги тарбиявий ишларни тўғри ташкил этилмаслигини кузатиш мумкин.

Тадқиқот жараёнида “Сизнинг салбий одатларга ўрганганми?” деган саволга жалб этилган респондентларнинг 47,5 % - менинг хулқим билан жиддий шуғулланишган, 29,2% менга умуман эътибор қаратишмаган, 12,5% мактабга маълум қилишган ва 10,8% мени ака-укаларимга тайинлашган деб жавоб беришди.

«Жиноят сабаблари - жиноятнинг содир этилишини тақозо қиладиган, уни озиклантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг йиғиндиси бўлса, жиноят шароитлари эса, жиноятни бевосита келтириб чиқармайдиган, лекин унинг содир этилишига кўмаклашадиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг мажмуи ҳисобланади»⁴. «Сабаблар, ўз мазмунига кўра, ижтимоий-психологик ҳолатлар бўлса, шароитлар эса иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан юзага келувчи ҳолатлар ҳисобланади»⁵.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар ва криминологик тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда айтиш мумкинки, *ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари* деганда, ушбу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишини тақозо қиладиган, уларни озиклантирадиган, кўпайишини таъминлайдиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг йиғиндиси; *ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг шароитлари* деганда эса, ушбу ҳуқуқбузарликларни бевосита келтириб чиқармайдиган, лекин уларнинг содир этилишига кўмаклашадиган ҳодиса, воқеа ва жараёнларнинг мажмуи тушунилади.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар каби, *ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бир-биридан ажратиш ҳам мураккаб жараён бўлиб*, фақатгина муайян шахснинг қилмишини нима келтириб чиқарганини (сабаб бўлганлигини) ва нима унинг келиб чиқишига кўмаклашганини (шароит бўлганлигини) аниқлаш мумкин бўлади. Чунки, у ёки бу ҳодиса, воқеа ёки жараён айрим ҳолатда сабаб сифатида ҳаракат қилса, бошқа вазиятда эса шароит сифатида намоён бўлади.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарликлар каби, *ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини бир-биридан ажратиш ҳам мураккаб жараён бўлиб*, фақатгина муайян шахснинг қилмишини нима келтириб чиқарганини (сабаб бўлганлигини) ва нима унинг келиб чиқишига кўмаклашганини (шароит бўлганлигини) аниқлаш мумкин бўлади. Чунки, у ёки

⁴ Фазилов И.Ю. Нормалар таҳлили: уларни қўллаш амалиётидаги муаммолар // *Нуқуқ ва Вурч*. – Тошкент, 2018. – № 3. – Б. 56-57.

⁵ *Kriminologiya. Umumiy qism: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / I. Ismailov, Q.R. Abdurasulova, I.Yu. Fazilov*. — Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. — Б. 83.

бу ҳодиса, воқеа ёки жараён айрим ҳолатда сабаб сифатида ҳаракат қилса, бошқа вазиятда эса шароит сифатида намоён бўлади⁶.

Ёшлар жиноятчилигининг асосий сабаблари бу ташқи муҳит, оиладаги салбий таъсир, вояга етмаган жиноятчиларнинг ота-оналарига паст савиядаги маданият, тирикчилик билан боғлиқ омиллар устуворлиги хослиги, яқин атроф-теварақдаги муҳит: маиший, ўқув, ишлаб чиқариш муҳитидаги тенгдошлар ва катта ёшдагилар томонидан бўладиган салбий таъсирлар эканлиги аниқланган⁷.

Амалиёт ҳолатлари таҳлилининг кўрсатишича, айрим ҳолларда ёшлар ўртасида жиноятлар содир этилишига оиладаги ва катта ёшдаги шахслар томонидан бўладиган салбий таъсирлар сабаб бўлади.

Бугунги глобаллашув жараёнлари тез суръатлар билан ривожланаётган даврда бузғунчи кучлар замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширишда ёшларни тўғри йўлдан адаштириб турли жиноятларни содир этишмоқда. Айниқса, улар томонидан ёшларни диний экстремистик ғоялар таъсирига жалб этиш, ёшларнинг онгини заҳарлаш орқали уларни тўғри йўлдан оғдириб, ўзларининг ғаразли мақсадларини амала оширишда фойдаланишмоқда. Энг ачинарлиси шундаки, ёшлар томонидан экстремистик оқимлар таркибида оғир ва ўта оғир жиноятларнинг содир этилаётганлиги масалага жиддий ёндашишни тақозо этади. Шу боисдан, ёшларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан тўғри фойдаланишга ва уларни ушбу йўналишда ўқитиш ва касбга тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик, фоҳишаллик, алкоголизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишида қуйидаги омиллар ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда:

1) алкоголизм ва гиёҳвандликка ружу қўйган шахсларни мажбурий даволаш тизимининг самарали ташкил этилмаслиги ва даволаш муассасаларида беморлар учун жойларнинг етарли даражада эмаслиги;

2) маънавият даражасининг пастлиги; ишсизлик даражасининг юқорилиги; жамиятдаги оила-никоҳ муносабатларининг деформацияси; жинсий тарбия тизимининг мавжуд эмаслиги; шахснинг ижтимоийлашувидаги нуқсонлар; шахслараро муносабатлар маданиятининг пастлиги-фоҳишалликнинг сабаблари;

3) оилавий муҳит, тарбиянинг яхши эмаслиги ёки катталар ичкиликбозлиги; аксарият шахсларнинг оилавий ёки ҳаётида «чигал»

⁶ Kriminologiya. Umumiy qism: IIV oliy ta'lim muassasalari uchun darslik / I. Ismailov, Q.R. Abdurasulova, I.Yu. Fazilov. — Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2015. — В. 83.

⁷ Амиров З.А. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий тарбиянинг роли: юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. — Т., 2018. — Б. 14.

муаммоларнинг кўплиги ва уни ҳал қилиш йўллари топа олмаганлиги; спиртли ичимликлар истеъмол қилиш «анъанаси» (тўй, туғилган кун, битирув оқшоми ва ҳ.к.)нинг барқарорлиги; тараллабеод, пассив ҳаёт кечиришга интилиш; алкоғолизмга қарши тарғибот-ташвиқот ишларининг талаб даражасида эмаслиги; жамоатчилик назоратининг етарли даражада эмаслиги – алкоғолизмнинг сабаблари эканлиги асосланган⁸.

Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг содир этилиши сабабларига қуйидагилар киради:

1) спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддалари ва психотроп воситалар таъсирида жиноят содир этиш. Амалиёт ва тажриба шуни кўрсатадики, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг ярмига яқини ушбу воситалар таъсирида содир этилади;

2) руҳий зўриқишлар натижасида жиноят содир этиш. Кўп қотилликка қўл урганлар ижтимоий демографик маълумотини ўрганиш шуни кўрсатадики, улар болалигида чуқур руҳий тазйиққа дучор бўлиб, руҳий бузилиш натижасида вояга етган шахслар ҳисобланади;

3) бош мия чайқалиши ва руҳий камчиликлар туфайли жиноят содир этиш. Кўпгина қотиллар ёшлигида бош мия жароҳатланишини бошдан кечирган ва келажакда айни шу касаллик туфайли жиноят содир этган;

4) иқтисодий омил. Маълум бир буюм ёки истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёж туфайли, пул ёки бошқа қимматликларга эга бўлиш мақсадида жиноят содир этилади;

5) биологик омил. Баъзи бир олимларнинг (Ч. Ламброзо) фикрича, инсон она қорнидан жиноятчи бўлиб туғилади⁹.

Тадқиқотларда жиноятчи шахсларнинг 50 фоизидан ортиғи тўлиқсиз оилада ўсганлигини, 32 фоизи эса уларнинг оиласи «носоғлом оила»лар қаторига кириши аниқланган¹⁰. Зеро, носоғлом ижтимоий-руҳий муҳитдаги шахснинг турмуш тарзи ёки шундай ҳолатда намоён бўлувчи «салбий ҳаракатлари» муайян жиноятларнинг содир этилишига олиб келади. Бу ўз навбатида, шахснинг онгини бузади, бу соҳадаги ижтимоий ва маънавий қадриятларни ўзгартиради, маънавий қизиқиш ва эҳтиёжлар доирасини торайтиради.

Айрим криминологик адабиётларда оиладаги носоғлом муҳит таъсири остида ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар қуйидагича таърифланади:

⁸ Ўразалиев М.Қ. Алкоғолизм, фоҳишалар ва гиёҳвандликнинг жиноятчилик билан алоқадорлиги, уларнинг криминологик хусусиятлари ва олдини олишни такомиллаштириш: Докторлик диссертацияси автореферати. –Т., 2016. –Б. 16-18, 23-24.

⁹ Пайзуллаев Қ.П. Зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар: Ўқув қўлланма. –Т., 2008. –Б. 69-97.

¹⁰ И.Исмаилов. Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 2005. –Б. 77.

а) шахснинг умумий йўналтирилганлигига зид бўлган, яъни ҳаётини вазиятлар билан тасодифий (25-30 фоиз);

б) умумий шахсий йўналтирилганлик берқарорлигини ҳисобга олиб башорат қилинадиган, бироқ сабаб ва вазият нуқтаи назаридан тасодифий (25-30 фоиз);

в) шахснинг умумий-салбий йўналтирилганлиги билан, аммо жиноий йўналтирилганликка бориб етмаган (30-40 фоиз);

г) шахснинг жиноий йўналтирилганлиги натижаси билан (10-15 фоиз).

Маълумки, инсон ҳаёти давомида ўзини ўраб турган ижтимоий муҳитнинг таъсири остида бўлади. Шу боисдан ҳам, унинг шаклланиши жараёнида маълум криминоген факторлар унга ижобий ёки салбий таъсир қилиб, инсон шахсида ижобий ёки салбий хусусиятлар шаклланиши ва ривожланишига таъсир қилади. Оиладаги муҳитнинг салбий таъсири вояга етмаган ёшларнинг мавжуд муносабатларга ўта таъсирчан бўлиши оқибатида жиноий ишлар содир этиш эҳтимоли билан характерлидир.

Шахснинг салбий шаклланишини таъминловчи ахлоққа зид омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) биологик (наследан-наслга ўтувчи хусусиятлар);

б) оиладаги маънавий-руҳий муҳитнинг заифлиги;

в) оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар;

г) ахлоққа зид бўлган ҳатти-ҳаракатлар;

д) оиладаги шахслар ўртасида ғайриижтимоий муносабатлар мавжудлиги;

е) доимий равишда низо, жанжал ва келишмовликнинг мавжудлиги.

ё) оилада ота-онанинг ёки бошқаларнинг ғайриижтимоий қарашлари;

ж) оилада тарбиянинг йўқлиги;

к) миллий қадрият ва анъаналарга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш кабилар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлиги *биринчидан*, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш; *иккинчидан*, мазкур сабаб ва шарт-шароитларни муайян мезонлар асосида таснифлаш; *учинчидан*, профилактик чора-тадбирларни аниқ ва пухта ишлаб чиқиш ва манзилли йўналтириш билан бевосита боғлиқ.